

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 83-ҳадис

83 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «خَيْرٌ يَوْمَ طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ يَوْمُ الْجُمُعَةِ: فِيهِ خُلُقُ آدَمَ، وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ، وَفِيهِ أَحْجَاجٌ مِنْهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Күёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. У кунда Одам халқ қилинди. У кунда у жаннатга киритилди. У кунда жаннатдан чиқарилди».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 9-оятида: "Эй мўъминлар, қачон Жумъа кунидаги намозга чорланса (яъни, аzon айтилса), дархол Аллоҳнинг зикрига (яъни, жумъа намозини адо қилиш учун) шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу (яъни, Аллоҳнинг зикрига – Жумъа намозини ўқишишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир", деб марҳамат қилган.

Бу улуғ кундир. Ҳабибимиз Мұҳаммад алайхиссалом ҳафтанинг энг яхши куни- муборак жума куни эканини марҳамат қилганлар. Унинг фазилатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, Аллоҳ таоло инсониятнинг отаси бўлмиш Одам алайхиссаломни жума кунида яратган. Худди шу кунда жаннатга кирганлар. Яна Аллоҳнинг ҳикматига биноан у ердан чиқарилганлар. Аллоҳга қайтиш ҳам жума куни бўлади. Жума кунида дуолар қабул бўладиган бир соат борки, агар мўминнинг дуоси ўша фурсатга тўғри келиб қолса, Аллоҳ уни гуноҳларини кечириб юборади. Шу сабабдан ҳам мусулмон уммати бу муборак кунда ибодат, силаи раҳм ва дуоларга машғул бўлиб, байрам каби нишонлайди.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Жума кунини бошқа кунлардан афзаллиги.
2. Мусулмон киши жума кунини қадрлайди ва у кунни байрамдек нишонлайди.
3. Мусулмон киши жума кунининг одобларини ўрганишга эътибор қиласди.

Манба: hadis.islom.uz

